Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 24 октябрь, шанба № 210 (21.308).

И. КАРИМОВ ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси раисининг муовини Ван Хоуде ҳамда Шинжонг-уйғур мухтор район касаба уюшмалари конфедерациясининг раиси Мамат Нурни қабул қилди.

Суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатлар истиқболи ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси ўртасида ҳамкорлик қилиш режалари хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси раиси Б. Алламуродов ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ БИЛАН ДАВЛАТГА СОТИЛАДИГАН ПАХТАНИНГ АМАЛДАГИ ХАРИД НАРХЛАРИ 1,5 БАРАВАР ОШИРИЛДИ

Сотиболди Абдумўминов, Тошкент вилоятининг Бўка райондаги «Туркистон» жамоа хўжалигида илғор бригадани бошқаради. Хўжаликда асосий ҳосил машиналар ёрдамида терилса-да, қўл терими ҳам суръатга барака киритяпти.

СУРАТДА: йиллик режани бажариб қўйган бригада бошлиғи С. Абдумўминов.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 23 ОКТЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,93	70,89
Бухоро	2,62	69,66
Андижон	2,01	69,50
Наманган	2,66	62,41
Қашқадарё	3,29	59,39
Сурхондарё	1,70	57,25
Хоразм	2,17	56,91
Қорақалпоғистон Республикаси	2,14	48,41
Тошкент	4,02	44,17
Навоий	3,11	42,67
Сирдарё	3,98	31,74
Самарқанд	2,82	28,37
Жиззах	3,66	26,66
Республика бўйича	2,75	52,82
1991 йилдагиси	1,14	94,29

Поп районидаги «Поп» давлат хўжалиги пахтакорлари зўр ғайрат билан меҳнат қилаётир. 4-бўлимдаги С. Ҳошимов бошлиқ оилавий пудратчилар 3,6 гектар майдондан 8 тонна пахта териб, вилоятда биринчи бўлиб режани бажардилар.

СУРАТДА: хўжалик директори Й. ҚУЛДОШЕВ (ўртада) пудратчилар билан суҳбатлашмоқда.

П. АКБАРОВ олган сурат.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ҲАЁТИМНИ ПАРТИЯ БИЛАН БОҒЛАГАНМАН

— Ҳаётимни партия билан боғлаганман, — дейди ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроқўмининг аъзоси, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров.

Вилоят партия кенгаши мажлисхонасида партия ташкил топганлигининг бир йиллиги арафасида ўтказилган учрашув чинакам байрам тусини олди. Шаҳар кенгаши бир йиллик тажрибалар мажмуаси — китобча чиқаришга улгурди. Учрашув олдидан вилоят ва шаҳар рўзномаларида эълонлар берилди. Партия фаолларидан, бошланғич ташкилотлардан, аҳолидан жуда кўплаб саволлар, таклифлар тушди.

Учрашувни шаҳар партия кенгаши биринчи котиби, тарих фанлари номзоди Р. Юсупов кириш сўзи билан очди.

Азиз Носиров дастлаб ЎзХДП Низоми ва Ҳаракат дастурининг аҳамияти, партиянинг обрўси, унинг сафини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш, ҳозирги мураккаб шароитда бошланғич партия ташкилоти олдида турган вазифалар хусусида мулоҳазалар юритди. Сўнгра у тўпланганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Кишилар баъзан мендан: «Илгари партия идоралари муаммоларимизни ҳал қиларди. Нима дардимиз бўлса, ўша ерга борардик. Ҳозир-чи? Улар нима қилишаяпти ўзи?» деб гина қилишади. Бу гапда оз бўлсада жон бор. Чунки биз турмушнинг халққа яқин бўлган ташвишларидан ўзимизни четга олаяпмиз. Тўғри, уларни ҳокимиятлар ва хўжалик идоралари бажаришади. Лекин одамларга ҳозир сиёсий-иқтисодий шароит бошқача деб тушунтириб ўтириш вақти эмас. Бундай пайтда ташаббусни қўлдан бермаслик, тегишли идоралар билан ҳамкорликда у ёки бу муаммони ҳал қилишга киришиш зарур. Ҳеч бўлмаса, таклифлар билан чиқиш керак.

Масалан, Самарқанд шаҳар партия кенгаши тўй ва бошқа маъракаларни ихчам, замонавий қилиб ўтказишга бош бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай қарор ёки маблағ керак эмас. Ёки маҳалла комитетлари фаолиятини кучайтиришни оталиқ қа олиши мумкин

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Баъзи бошланғич партия ташкилотлари айрим партия аъзоларининг пассивлигидан нолишади. Аксинча, бундай одамлардан мурувват кутманг, уларни ишлатинг, фаолиятини кучайтириш йўлларини қидиринг, топшириқлар беринг.

Ҳар бир ҳукуматнинг таянадиган сиёсий кучи, таянчи бўлиши зарур, деди сўзининг пировардида А. Носиров. Ўзбекистонда бундай кучни мен Халқ демократик партияси тимсолида кўраяпман. Қолаверса, ҳаётимни ана шу партия билан чамбарчас боғлаганман ва келгусида ҳам унга сидқидилдан хизмат қиламан.

Учрашувда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов ва бир гуруҳ Ўзбекистон халқ нойблари иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЧМА БЮРО ШУНИ КЎРСАТДИКИ...

● ХДП Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги кўчма мажлиси Асака шаҳрида ўтказилди. Унда ХДП Асака шаҳар кенгаши бошланғич ҳамда ҳудудий партия ташкилотларининг маҳаллий кенгаш депутатлари билан аҳолини иқтисодий ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди. Бу ҳақда ХДП Асака шаҳар кенгаши биринчи котиби Алишер Сафаровнинг ахбороти тингланди.

Асака шаҳар бошланғич партия ташкилотлари ХДП аъзоси бўлган халқ депутатлари билан ҳамкорликда кам даромадли аҳоли, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида анча ишлар қилди. Шаҳар ҳудудида яшовчи ночор, ҳеч кими йўқ, биринчи гуруҳ нафақахўрлардан 55 нафарининг уйи таъмирлаб берилди. 28 нафари уй-жой, коммунал хизматлари учун ҳақ тўлашдан озод қилинди. Шаҳарда «Хайрия» ошхонаси очилган. Бу ерда фахрийлар 50 фоиз арзонлаштирилган нархда, ёлғиз кишилар ва 16 ёшгача бўлган ногиронлар эса бепул овқатланиш имкониятига эгадирлар.

Бозор иқтисодиётига ўтилгандан буён 320 киши ижтимоий меҳнатга жалб этилди. 2-пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти корхона маъмурияти билан биргаликда 40 та иш жойи ташкил этди. Бу ерда рўмол, гилам тўқиш кичик корхонаси, таъмирлаш устахонаси ишлаб турибди. Завод новвойхонаси ишчиларни арзон нон билан таъминлаяпти. Ҳусусий уй қуриш учун завод ҳисобидан 100 минг сўм пул ажратилди. Маросим ўтказадиган ишчиларга 1000 сўмдан ёрдам пули бериляпти.

Асака шаҳар меҳнат биржаси йил бошидан бери 302 нафар фуқарони иш билан таъминлади. 38 фуқарони ўз ҳимоясига олиб, шундан 8 нафарига 1000 сўмдан нафақа тайинлади. Темир — бетон буюмлари заводида ҳар бир ишчи—хизматчига кунига 20 сўмдан тушлик пули бериляпти. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган 40 минг сўмлик мева ишчи-хизматчиларга арзон нархда сотилди.

Кўчма бюро мажлисида Асака шаҳар корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайтириб юборилганлиги, бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатларининг бу йўналишдаги жанговарлиги сезилмаётганлиги таъкидланди.

Вилоят партия кенгаши Асака шаҳар меҳнат жамоаларида халқ депутатларининг фаолиятини ўрганиш мақсадида анкета-сўров варақаси тарқатган эди. 451 фуқародан ана шу варақаларга жавоб олинди. Шундан 39,3 фоизи ўз депутатларини танимасликлари, 46,5 фоизи сайловдан ҳозиргача депутатлар билан учрашмаганликларини, фақат 7,1 фоизи депутатларини ҳисоб бериш учрашувларидагина кўрганликларини қайд этди. Варақа тўлдирган кишиларнинг 31,2 фоизи депутатлар фаолиятини маъқулламадилар.

Бу ғоят ташвишли ҳолдир. ХДП Асака шаҳар кенгаши бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари, партия аъзоси бўлган халқ депутатлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун астойдил ишлашлари керак.

Кўчма бюро мажлисини ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров олиб борди. Мажлисда вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев нутқ сўзлади ва бир гуруҳ партия аъзоларига партия билетлари топширди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФАРБАРЛИК

Чарақлаган қуёшли кунлар ортда қолаяпти. Баъзи кунлари осмонни қоп-қора булутлар қоплаб, ёмғир томчилаб қолади. Бу, табиатнинг «Бугунги ишни эртага қўйма, отни қамчила, ҳар дамдан унумли фойдалан» дея деҳқонни огоҳлантираётгани бўлса керак. Буни чуқур англаган Қашқадарё вилояти раҳбарияти пахта йиғим-теримида ялпи сафарбарлик эълон қилди.

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан суръат ошиб, кўп пахта тайёрланмоқда. Хирмонлар юксалаётир. Шаҳарликлар, район марказларининг аҳолиси ҳам қалб амри билан далага чиқиб, пахтакорларга кўмаклашмоқда. Вилоят кунлик суръатда уч фоизлик маррадан ўтди. Бир кунда 13 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланяпти.

Илғор районлар манзилга жадал интилмоқдалар. Баҳористон, Ғузор, Қарши, Косон, Ульянов, Қамаши, Муборак, Шаҳрисабз районларида юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Юзлаб бригада ва звенолар йиллик режадан ўзиб кетдилар. Ғузор районидаги Улуғбек номли, Ленин номли, Косон районидаги қўриқ 38-ва «Андабозор» давлат хўжаликлари заршунослари дастлабки давондан ошиб, бир неча кундан бери мажбурият ҳисобига пахта тайёрламоқдалар.

Пахта йиғим-теримида машиналар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Лекин ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар етишмай қолаётган пайтлар ҳам бўлаяпти. Бу—бозор иқтисодиёти туғдираётган муаммолар, албатта. Шунга қарамай, терим агрегатлари кучидан унумли фойдаланиш учун барча имкониятларни ишга солиш, тадбиркорлик билан иш юритиш йиғим-терим суръатига қанот бағишлаяпти. Агрегатлар билан бир кунда 9 минг тоннагача «оқ олтин» териб олинмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мусажон Шербўтаев:

«ЯНА 1000 ТОННА ПАХТА СОТАМИЗ»

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Фарғона вилояти Қува районидаги «Ғулистон» жамоа хўжалиги миришкорлари бу йилги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар.

Йиғим-терим ишларини пухта уюштириш натижасида режадаги ҳосил эрта териб олинди. Гектар бошига 27 центнердан пахта топширилди. Ғаламларга уюлган жами хом ашё 3300 тоннани ташкил этди.

— Ҳосилнинг мўл етиштирилиши, «оқ олтин»нинг белгиланган муддатлардан барвақт териб олинишида республикамиз ҳукуматининг пахтакорлар меҳнатини муттасил кафолатлаб келаётгани катта мадад беряпти — деди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мусажон Шербўтаев. —

Режани-ку бажардик. Далада ҳали анча ҳосил мўл, дея мулоҳаза қилиб турганимизда Ўзбекистон Президентининг янги Фармони ҳақидаги хушхабардан воқиф бўлиб қолдик. Фармонда таъкидланишича, 1992 йил ҳосилидан бошлаб давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг амалдаги харид нархлари 1,5 баравар оширилди. Фармонда яна хўжаликлар пахта тайёрлаш режасидаги маҳсулотнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахта ҳажмини эркин шартномавий нархларда сотадилар, деб алоҳида таъкидлангани пахтакорларга куч-ғайрат бахш этди.

Хўжалигимиз аъзолари пахтакорларга қилинган бундай ғамхўрликдан илҳомланиб, бу йил давлат хирмонига режада белгиланганидан яна 1000 тонна кўп пахта сотамиз, дея аҳд-паймон қилдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

● Олтинкўл районидаги Сайфиддин Ашуров номли жамоа хўжалиги 1023 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли давлатга пахта сотиш йиллик режаси Андижон вилоятида биринчи бўлиб адо этилди.

Ҳар гектар ердан 29,2 центнердан юқори сифатли хом ашё олинди. Вилоят хирмонига салкам уч минг тонна «оқ олтин» тўкилди.

Мўл ҳосил етиштиришда механизаторлардан Ғ. Холмирзаев, Ф. Салоҳиддинов, И. Ҳайдаров, А. Болтабоев ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. М. Каромов, К. Шокиров бошлиқ бригадалар гектаридан 34 центнердан ҳирмон кўтардилар.

Хўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилни 3,5 минг тоннага, ҳосилдорликни 34 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Шаҳрихон районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги ҳам мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлади. Пахтакорлар 962 тонна «Қирғиз —3» навли уруғлик пахта тайёрладилар. Улар гектаридан яна 4 центнердан ҳосил олмоқчи.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев 22 октябрда ишбилармонликка оид фан-технология бисотларига бағишланган учинчи Тошкент халқаро конференциясининг қатнашчиларини қабул қилди.

Суҳбат чоғида фан-технология бисотларини ривожлантириш концепцияси муҳокама қилинди, унда, бир томондан олий мактабнинг хусусиятлари, МДҲ мамлакатларининг иқтисодиёти, уларнинг миллий анъаналари, маданияти, иккинчи томондан эса бу масаладаги бой халқаро тажриба эътиборга олинган.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Республикасида фан-техника бисотлари тармоғини ривожлантиришда ёрдам ва мадад берилишига умид билдирдилар.

Учрашувда Россия, Украина, Қозоғистон, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Япония, Канада ва Швеция технология бисотларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА).

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ, ЛЕКИН...

«ЎЗБЕКГАЗПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ «ДРУЖБА-УРЕНГОЙ-ШЎРҒАН» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР ҲАҚИДА

«Дружба-Уренгой-Шўрған» давлат хўжалиги бир неча марта «Ўзбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси тафтишчилари ҳамда Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси томонидан текширилганда унинг фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлган. Бирлашма раҳбарияти эса текширувда аниқланган камчиликларга нисбатан чора кўриш ўрнига уни хаспўшлаб келган. Давлат хўжалигининг молиявий аҳволи оғирлашган. Бирлашма ҳар йили хўжаликка қарз беришига қарамай, аҳвол ўзгармаган. Жорий йилда ҳам унга 62 миллион сўм қарз бериш назарда тутилган. Ҳисоботларда эса хатоликларга йўл қўйилган. Буғдой, арпа экилган майдонлар атайлаб камайтириб кўрсатилган. Ўтган йили Ғузор районида бўйича дон экиларидан гектар бошига ўртача 7,1 центнер ҳосил кўтарилган, бу хўжаликда эса ҳосилдорлик атиги 5,4 центнерни ташкил этган.

Огоҳлантиришларга қарамай, маҳсулот қонунсиз равишда четга чиқариб турилган. Масалан, бригадир Асадов картошка ҳосилининг 83 фоизини омборга келтирилмасиданоқ пуллаб юборган. Бундай манзарани бошқа бригадаларда ҳам кузатиш мумкин. 1991 йилнинг октябрида пиёз етиштириш бригадаси бошлиғи В. Тё маҳсулот сотилди деб давлат банкига 91,8 минг сўм нақд пул топширган. Ҳисоблаб чиқилганда, ҳар килограмм маҳсулот нархи бир сўмга ҳам етмаган.

Утган йили 5 тонна дон ижарачи «Неолит» ташкилотига 2 минг 625 сўмга сотилган-у аммо бу пуллар ҳалигача хўжалик хазинасига тушмаган. Бултур Москва вилоятидаги «Энергия» кооперативига тўлов ва лицензиясиз 1 минг 195 дона қоракўл тери 43,6 минг сўмга бериб юборилган. Ҳар бир тери ўртача 36,4 сўмдан пулланган. Тасдиқланган прейскурант бўйича ҳар бир терининг баҳоси 94,5 сўмлигини назарда тутсак хўжалик бундан қанча зарар кўрганн аён бўлади.

Ишга совуққонлик билан қараш чорвачиликда ҳам яққол кўзга ташланади. Утган йили чорва маҳсулотлари етиштириш режаси бажарилмаган. 97 бош чўчқанинг ёши 5 ойдан 8 ойгача камайтириб кўрсатилган. Натижада тирик вазнда 53 центнер гўшт яшириб қолинган. Моллар сони ва сарфланадиган озуқа миқдорида ҳам чалкашликлар мавжуд. 1991 йил ва шу йилнинг биринчи ярмида чорва озуқасига қилинган ортиқча сарф-харажат 493,6 минг сўмни ташкил этган. Гарчи озуқа сарфи кўп бўлса-да, моллар вазни мўлжалдагидан камайган. Утган ярим йилликда топширилган 26 бош қорамолнинг тирик вазни нормадаги 400 килограмм ўрнига 163 килограммни ташкил этган.

Қурилиш соҳасида ҳам талай камчиликлар мавжуд. Капитал маблағ вақтида ўзлаштирилмаган, саноат ва ижтимоий-маданий мақсадлар учун қурилаётган иншоотларни топшириш муддатларн чўзиб юборилган. Хўжалик директорининг кўрсатмаси билан ғайриқонуний равишда бошқа ташкилотларга 60 тонна бензин ва 76 тонна дизель ёқилғиси 108,1 минг сўмга сотилган.

Давлат интизомини бузгани учун «Ўзбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўйруғига мувофиқ бирлашма бош директорининг ўринбосари М. Н. Мирзамаҳмудов ва давлат хўжалиги директори А. О. Ваҳобов вазифасидан озод этилди. Молиявий-хўжалик фаолиятидаги қўпол хатолар учун шу буйруқ асосида давлат хўжалиги бош ҳисобчиси Б. Ҳайитов ва бош иқтисодчи Ш. Нуриддиновга қаттиқ ҳайфсан берилди. Улар келтирган зарарнинг бир қисми маошларидан ушлаб қолинади.

«Ўзбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятига молиявий-хўжалик ишларини тартибга солишда давлат хўжалигига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Т. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат қўмитасининг бош инспектори.
А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни бўлган Конституция лойиҳасининг кенг халқ оммаси орасида муҳокама қилиниши демократик ҳуқуқий давлат қурилаётганлигидан далолат беради. Конституция лойиҳаси республикамизнинг мустақил бўлиши муносабати билан амалга оширилаётган ўзгаршларни ҳисобга олган ҳолда ишлачган. Унга киритилган янги моддалар бугунги ҳаёт талабига жавоб беради. Бироқ айрим таклиф ва мулоҳазаларимиз ҳам бор.

Фикримизча лойиҳанинг 7-моддаси, 3-қисмидаги «тортишга сабаб бўлади» деган сўзларни «тортилади» деб алмаштириш; 10-моддада «иш кўриши» деган сўзларни «иш олиб бориши» деб ўзгартириш; 15-моддада «Конституция ва» деган сўзлардан кейин «унга асосланган» деган сўзларни қўшимча киритиш; шу модданинг 2-қисмида «амал қиладилар» деган сўзларни «амал қилишлари шарт» деган сўзлар билан алмаштириш даркор, деб ўйлаймиз.

16-модданинг биринчи қисмини чиқариб ташлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Конституция республикамизнинг Асосий Қонуни бўлганлиги сабабли унинг ҳеч қандай қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқларига зарар етказиши мумкин эмас.

18-модданинг 2-қисми охирги жумласи «фақат қонун билан белгиланган ҳамда иктимоий адолат принципига асосланган ҳолда берилади» деб ёзилиши лозим.

19-моддада кўрсатилган «судсиз» сўзини «суд қарорисиз» деб ўзгартириш; 20-моддада «қонунлари», 21-моддаданинг 4-қисмидаги «уни сақлаб қолиш» деган сўзларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир. 24-моддадаги «қамалиши» сўзини «жиноий жавобгарликка тортилиши» деб ўзгартириш; 25-модданинг биринчи қисми янги таҳрирда «жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонуний тартибда судда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмаганига қадар айбдор эмас деб ҳисобланади» ҳолида баён этилиши дуруст. Шу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида жиноят ким томонидан содир қилиниши кўрсатилса, бу моддаданинг маъноси тўлиқ ифодаланган бўлади.

28-моддадаги «қонун билан чекланиши мумкин» деган сўзларни «қонун билан чекланади» деб ўзгартирилса маъноси аниқ бўлади.

32-моддаданинг биринчи қисмидаги «ҳокимият органлари фақат» деган сўзлардан олдин «бу тартиб бузилганида» деган сўзлар билан; шу моддаданинг иккинчи қисмидаги «бирлашмалар» сўзидан кейин «тузиш» сўзи қўшилса маъно бойийди.

35-моддани «мулкка эгалик қилиш» деган сўзлардан кейин «фойдаланиш ва тасарруф қилиш» сўзлари билан тўлдириш; 36-моддаданинг биринчи қисмидаги «қонунда кўрсатилган тартибда» деган сўзлар ортиқча бўлганлиги сабабли чиқарилиши лозим, деган фикрдамиз.

37-моддадаги «ҳуқуқига эгадирлар» деган сўзлар чиқарилиб, «дам олиш вақти, иш вақти» деб жумла давом эттирилса айни муддао бўлади.

40-моддада умумтаълим, шунингдек, мактаб ишларига оид масалалар кўрсатилган бўлиб, олий ва ўрта махсус ўқув ишларига оид нормалар йўқ. Лойиҳада бу масалалар ўз ифодасини топиши зарур.

50-модда бутунлай янгидан ишланишга муҳтож.

52-моддага «темир йўлини» сўзи ҳам киритилса.

57-моддадаги «Олий Мажлиса» деган сўз чиқарилиши керак, чунки у вакил қилган органига белгиланган тартибда ошкора ҳисоб бериб туришларининг ўзи етарлидир.

61-моддага ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бола вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз бўлса, бундай ҳолда ота-оналар уни боқмаса, ким боқади? Вояга етган болалари талаба ҳисобланиб, отаонаси унинг ахлоқ-одобидан хабардор бўлиб турмаса ва уни назорат қилмаса, ким бу масалалар билан шуғулланиши керак, шунинг учун ҳам лойиҳанинг 61-моддаси биринчи қисмини янгидан ишламоқ лозим.

63-моддадаги «ота-оналари» деган сўзлар, «ота-оналарга моддий ёрдам кўрсатишга ҳамда уларга ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб ўзгартирилиши керак.

79-моддага касаба уюшмасини ҳам киритиш керакка ўхшайди. Бу жамиятимизнинг демократик характерига мос «Вазирликлар эса қонун лойиҳаларини таклиф этиш тащаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга» деган сўзлар билан тўлдирилса янги қонунларнинг ишланиши билан қабул қилиниши ҳаёт талабига тўғри келади.

80-модданинг учинчи қисмида «қонунлар» сўзидан олдин «қабул қилинган» деган сўзлар билан тўлдирилса.

82-модданинг учинчи қисмидан кейин Олий Мажлиснинг Раиси қайси ҳолларда сурункасига икки муддатга сайланиши аниқ кўрсатилса. Шу модданинг 4-қисмини бешинчи қисм деб, бешинчи қисмни эса олтинчи қисм деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

91-модданинг 2-қисмидаги қасамёд матнини Конституция лойиҳасида бериш тўғри эмас.

96-моддадан «умрбод» деган сўзлар чиқарилса, 100-модданинг бешинчи қисмида «ҳуқуқ доираси» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикасининг» деган сўзлар киритилса моддданинг мазмуни тўлдирилган бўлади.

105-модданинг учинчи қисмида «суд томонидан» сўзидан кейин «муомалага», «сақланаётган» сўзи ўрнига «суд ҳукми билан берилган жазони ado этаётган» деган сўзлар ёзилса. Бу моддданинг тўртинчи қисмида «иккидан ортиқ вакиллик» сўзлари, «битта вакиллик» деб ўзгартирилса. Бу вакиллик органида депутат бўлишдек шарафли ишга халқимизнинг кўпчилик муносиб фарзандлари сайланишига имкон беради. Бу ўз навбатида демократиянинг ривожланишидан далолатдир. Шунингдек, 108-моддадаги «тайинланадиган» деган сўз, «сайланади» деб, 109-моддада Конституциявий суд ким томонидан сайланиши кўрсатилса, 110-моддаданинг охирги бандидаги «тартиби» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қонуни» деган сўзлар билан тўлдирилиб қонун нормасига аниқлик беради.

111-моддаданинг биринчи қисмидаги «сабаб бўлади» деган сўзлар «тортилади» деб ёзилса, 115, 118-моддаларнинг охирги қаторидаги «тартиби» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикасининг қонуни» деб ўзгартирилиши ва 119-моддаданинг охирги қаторидаги «мумкин» сўзи «лозим» деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

М. ВОСИҚОВА,
И. ЗОКИРОВ,
юридик фан докторлари, профессорлар.

«Ёшларни қайси йўлга бошламоқчисиз, жаноблар?!»
«Ўзбекистон овози» 1992 йил 14 октябрь

«БИРЛИК» НЕГА АЖРАЛИШ ЙЎЛИНИ ТУТЯПТИ?

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Аъзамхўжаевнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг 14 октябрь сонида босилиб чиққан «Ёшларни қайси йўлга бошламоқчисиз, жаноблар?!» мақоласини ғоятда ҳаяжонланиб ўқидим. Тошкент давлат дорилфунуни домлалари шаънига, дорилфунуннинг илмий кенгаши обрўсини тўкишга қаратилган «Бирлик»чиларнинг хатти-ҳаракатлари бизни ғоятда ғазаблантирди. Ёшларни ўзлари таълим бераётган устозларига қарши қўйишдан ҳам жирканчроқ нарса борми, ахир?!

Жуда яхши биламиз, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, сиёсий партиялар, ҳаракатларга уларнинг Низомлари рўйхатдан ўтгач, ўз фаолиятларини фақат қонун доирасида, ҳалоллик, холисоналик, тўғрилик билан давом эттиришларига рухсат берилган. Чунки фикрлар хилма-хиллиги демократия қарор топган мамлакатда ҳеч вақт инкор қилинмайди. Аммо мақолада жуда тўғри ва одилона таъкидланганидек, «Бирлик» ҳаракати раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан шу йил 6 октябрда огоҳлантирилишига қарамасдан республикамизнинг қонуний сайлаб қўйилган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари шаънига тўҳмат тошларини отаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ахир бу жиноятдан бошқа нарса эмаску.

Буюк мутафаккир Сенека «Бир жиноят иккинчисига йўл очади» деган бўлса, Арасту «Жиноятга баҳона бўлса бас», деб таъкидлайди. Энди дўппини олиб бир ўйлаб кўрайлик. «Бирлик»чилар нима қилишяпти ўзи? Нега бундай пинҳона варақалар тарқатиб, қоронғу кўчалардан юришяпти. Доно ўзбек халқи «ошинг ҳалол бўлса кўчада ич», деганку! Йўлдоши ёмонни ёв овлар, оғир йўл мардни синар, яхши йўлдош йўлга бошлар, ёмон йўлдош йўлга ташлар, деган нақлларимизни улар наҳотки унутиб қўйган бўлса.

Минг марталаб шукурлар қиламизки, бизнинг республикамизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиб турибди. Ҳозир энг кераги ҳам шу. 125 дан зиёд мамлакат мустақил республикамизни тан олиб, ўнлаб давлатлар Тошкентда ўз элчихоналарини очган бўлсалар, ўз ичимизда яшаб тирикчилик қилаётган «Бирлик»чилар наҳотки буларни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олсалар. Ахир бу ўтакетган шаккоклик-ку! Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога, деганларидек бу дардимизни сиз, мингминглаб муштарийларга айтмасдан кимга ҳам айтамиз.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш оғир иқтисодий аҳволимизни енгиллаштириш йўлларини излаш, халқимиз кайфиятини кўтариш ўрнига ёшлар онгини заҳарлашга бундай уринишларга қарши ҳаммамиз, бир ёқадан бош чиқариб қатъий курашишимиз керак!

Тинчлигимиз — ҳурлигимиз, тинчлик билан эл кўкаради. Бунинг учун эса ҳаммамиз якдил бўлишимиз, истиқлол йўлида бирлашишимиз лозим. Ўз номи билан «Бирлик» деб аталсада, нега энди амалда ажратиш йўлини тутяпсизлар, жаноблар?!

Йўлдош ИБРОҲИМОВ.
Тошкент Давлат университети доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, университет фахрийлар кенгашининг раиси.

ДУНЁ ОВОЗИ

СТАЛИННИНГ ҚИЗИ ҚАЕРДА!

Би-би-сининг хабар беришига қараганда, Лондоннинг ғарбидаги «Карр гомм» ғарибхонасида 67 ёшга кирган Лана Питерс яшамоқда. Энди унинг юзларига ажин тушган, дунё ишларидан «қўл ювиб қўлтиғига урган» кўринади. Британия телерадиокорпорациясининг мухбири Владимир Чугунов, мен билан икки оғиз гаплашсангиз деб сўраганида, журналистлар билан муомала қилмайман деган-у, кескин бурилиб кетган...

Аслида бу аёлнинг исм-фамилияси Светлана Иосифовна Аллилуева, И. Сталиннинг севимли қизи. Юрагида лўли қони жўш уриб тургани учунми (унинг бувиси лўли бўлган) ёки пешонасига кўргиликлар ёзилган эканми, замон довуллари уни ҳали Ҳиндистонга, ҳали Америкага, ҳали Англияга улоқтириб ташлади. Оилавий турмушда ҳам тўзим топмади. Биринчи эридан кўрган ўғли, иккинчисидан тўққан қизини ташлаб, 1963 йилда Сингхга турмушга чиқиб, хаю-ҳут деб Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Чет элларда юриб отаси ҳақида иккита китоб ёзди. Унинг эвазига берилган 2 миллион доллар қалам ҳақига дурустгина уй-жой сотиб олди. Аммо «еб ётганга тоғ чидамайди» деган гап бор. Тирикчилик важидан уй-жойини сотди. Мана энди, юқорида айтганимиздек, ғарибхонада муштипар бўлиб ўтирибди. У ҳеч кимни йўқламайди. Уни ҳам дараклаб келадиган одам йўқ ҳисоби. Сўнгги эридан Ольга деган қиз кўрган эди. У ҳам ҳозир олисда, америкаликка тегиб кетган.

Хуллас, шунақа гаплар. Улуғ Навоий «ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бекорга айтмаган.

ЯНГИ ОРОЛ ПАЙДО БЎЛДИ

Колумбияда ўтган ҳафтанинг охирида рўй берган иккита зилзила натижасида мамлакатнинг Кариб денгизи соҳилига яқин жойда катталиги футбол майдонидек ва баландлиги денгиз сатҳидан уч метр юқори бўлган оролча пайдо бўлди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, кичикроқ сув ости вулқони фаолиятининг самараси бўлган янги оролни ҳозирча олимлар текширишга улгурганлари йўқ.

Айни вақтда зилзилаларнинг оқибатлари маълум бўлди. Расмий маълумотларга кўра олти киши ҳалок бўлган, тўрт киши бедарак йўқолган, 500 киши жароҳатланган ва 25 минг киши бошпанасиз қолган. Ер ости силкинишлари натижасида салкам 20 та манзилгоҳ шикастланган.

МАХСУС МАҚСАДЛАР ҲИСОБИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш Ироқнинг тўхтатиб қўйилган маблағини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мақсадлар ҳисобига ўтказиш тўғрисида АҚШ молия муассасаларига кўрсатма берди. Маълумки, бу ҳисоб, БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарорига биноан. Ушбу халқаро ташкилотнинг Ироқ томонидан босиб олинган Қувайт бойликларини эгасига қайтариб бериш, шунингдек Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини тугатиш харажатларини қоплаш учун очилган эди.

ШОШИЛИНЧ КЕНГАШ ЧАҚИРИЛАДИ

Партизанлар бошлаб юборган ҳарбий ҳаракатлар авж олиши оқибатида сўнгги кунларда Колумбияда 25 одам ҳалок бўлди. Мамлакатнинг бир қанча туманларида Симон Боливар номли партизанларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши жангарилари полиция бўлинмаларига, армия казармаларига ва давлат муассасаларига ҳужум уюштирмоқдалар. Мамлакат Президенти Сесар Гавириа Вазирлар Маҳкамасининг хавфсизлик масалаларига бағишланган шошилинч кенгашини чиқаришга қарор қилди.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИНГ ЯНГИ НАРХЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН

1 НОЯБРГА ҚАДАР

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ШАРТНОМАЛАРНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ЁКИ УЛАРДАН ҚЎШИМЧА АҲДНОМАЛАР ОЛИШ КЕРАК.

Энергия манбаларининг янги нархларидан келиб чиққан ҳолда электр ва иссиқлик энергияси истеъмол ҳажмлари қайтадан келишиб олиниши лозим.

16 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ 10,3 БАРАВАР, ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ 9,4 БАРАВАР ОШАДИ.

САНОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ШАРТНОМАВИЙ (эркин) НАРХЛАР ўрнатилади.

ЎзЭНЕРГОНАЗОРАТ

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОНЦЕРНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Амалдаги қонун ва меъёрий далолатномалар билан давлат корхоналарига ёнилғи олиш учун нақд пул бериш таъқиқланишига қарамасдан, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига лимити бўлмаган янги тузилган корхоналар, кооперативлар, акционерлик бирлашмалар, қўшма корхоналар ва ҳоказолар нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобча (АЁҚШ)ларидан нақд пулга ёки бошқа давлат корхоналаридан қонунни бузган ҳолда олишмоқда.

Қонунбузарликни бартараф этиш ҳамда истеъмолчиларга қулайлик туғдириш мақсадида «Ўздавнефтмаҳсулотлари» Акционерлик бирлашмаси сизларга вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналари билан икки тарафлама қулай бўлган шартнома асосида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришни таклиф қилади.

Таклифларингизни вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарига беришингизни сўраймиз.

«ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА БОШҚА ҲАММА-ҲАММА ДИҚҚАТИГА!

Масъулияти чекланган «ЦЕНТАВР» фирмаси

ТУНИКА ТОМЛАРНИ ВА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ МОЙЛАЙДИ

Материал ўзимиздан. Ишга ҳақ тўлаш ҳақи ўзаро келишилади. Тошкент шаҳридаги телефонимиз: 65-25-48.

TEKNESIS = INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар, Телефонлар, Факслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш машиналари, Ксеркослар, Сканерлар, Дискетлар, Модемлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратлари

Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Улуғ Ипак Йўли кўчаси, 63
67-25-57, 67-85-86 FAX (371-2) 54-99-83

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

ЦВ 776231, 776232, 776233, 763477 рақамли йўқолган дипломлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат техника университети ректорати, касаба уюшмаси ҳамда кончилик ва металлургия куллиётининг жамоаси университет фахрийси, техника фанлари номзоди, очиқ кон ишлари кафедрасининг доценти

Илҳом ИНОҒОМОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш мухандислари институти ректорати, касаба уюшмаси, ижтимоий фанлар куллиёти, маданиятшуносликтаҳсилгоҳи шу таҳсилгоҳнинг доценти вазифасини бажарувчи Д. Н. Рўзметовга онаси

Шукуржон ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ҳаёт ва иқтисод» «Жизнь и экономика» журналлари жамоаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси Мурод Шариф-хўжаевга опаси

ЖУРАХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МАКАРОН ЦЕХИ ИШГА ТУШАДИ

Қаршидаги 10-ун комбинати маҳаллий хом ашё — вилоят колхоз-совхозларида етиштирилган бўғдойдан олий ва биринчи нав ун ишлаб чиқара бошлади.

Бир кеча-кундузда 500 тонна бўғдой қайта ишланиб, 380—390 тонна ун тайёрланяпти. Шундан 10—12 тоннаси макарон тайёрлашга яроқли ундир.

Ҳамма ундан ҳам макарон тайёрланавермайди. Бунинг учун бўғдой магзини ажратиб олиш керак. Мазкур корхона ана шу технология жараёнини ўзлаштирди. Энди комбинатда макарон тайёрлаш цехи ҳам ишлай бошлайди.

(Ўз мухбиримиз).

ҚИММАТРОҚ БЎЛСА ҲАМ, БОРИ ЯХШИ

• ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Бозор иқтисодиёти одамларни қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатяпти. Савдо шохобчаларидаги пештахталар тез бўшаб қолаётган бугунги кунда узлуксиз ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, янги-янги турдаги халқ истеъмоли моллари тайёрлашни йўлга қўйиш билан тақчилликни бартараф этиш мумкинми?

Мана шу саволнинг ўзиёқ барча саноат корхоналари ишбошиларини излаган имкон топар деган нақлга амал қилиб ишлашга ундаётир. Қатор корхоналар ўзи ишлаб чиқараётган асосий маҳсулоти ёнига ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган янги маҳсулот турларини тайёрлашга «ихтисослашиб» олмоқда. Мисол учун узоқ-узоққа бормайлик: узоқ йиллар асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариб келган Тошкентдаги «Зенит» заводи пойабзал тайёрлашга киришганида ҳеч ким тааж-жубланмади. Нимаси ёмон? Ноанъанавий, аммо аҳоли талаби жуда катта бўлган маҳсулот турларини тайёрлашга киришаётган саноат корхоналари озмунча эмасда.

Арғамчига қил қувват деганларидек, ҳар бир саноат корхонаси бизга четдан келтириладиган зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олса борми, тақчиллик камайган, иқтисодимизга барака кирган бўларди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган пойтахтимизнинг геология-қидирув тажриба-экспериментал заводи ҳам аслида шу соҳада ишлатиладиган бурғулаш асбоб-ускуналари, конларда қўлланиладиган машина-механизмлар ҳамда кон-бойитиш комбинатларига эҳтиёт қисмлар тайёрлайди. Тайёрланган маҳсулотнинг 20 хили четга чиқарилади.

Лекин корхона беш йилдан бери халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам кенг йўлга қўйиб келяпти. Бу янгилик эмас, албатта. Аммо бу давр ичида корхонада тайёрланаётган буюмларнинг хили кўпайиб қолди. Бу маҳсулотлар эса харидоргир.

— Бизнинг завод асосан металдан буюмлар ясайди, — деди корхона директори Геннадий Плитментев биз билан суҳбатда. — Касбикоримизнинг мазмуни — темирга ишлов бериш. Ҳозир одамларга зарур бўлган 20 хилдан ортиқ буюмлар тайёрлаяпмиз. Темир дарвоза, эшик, сейф, темир қути, сув иситгич мосламалар, автомобиль гаражлари учун махсус қулфлар, лом, теша, омбир, чангаклар бор. Булардан ташқари оникис. листвинит, офсидиан каби маъданлардан тасбеҳ, ҳар хил тақинчоқлар, мармар тош ва пластмассадан зебзийнат буюмлари тайёрланяпти.

Ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар заводнинг ёнида очилган фирма-магазинда сотилмоқда. Шартнома асосида эса хўжалик моллари ҳамда ёқилғи-ўрмон маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларга жўнатилмоқда.

— Хом-ашё тақчиллиги бу заводни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Аввалгидай давлатнинг тақсимот фонди йўқ, — деди сўзини давом эттириб директор. — Металлургия комбинатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлаётирмиз. Ўша ерлардан хом-ашё олиб келинмоқда. Аммо баҳоси жуда қиммат. Аввал 1 тонна металл 150 сўм турган бўлса, ҳозир прокатнинг ҳар тоннаси 18-20 минг сўмга кўтарилган. Аммо пештахтага қўйилган айрим маҳсулотлар анча арзон. Нега? Чунки, ана шу буюмлар арзончилик пайтида олинган прокатдан тайёрланган. Эндиги тайёрланадиган буюмлар нархи қиммат-лашиши табиий. Қиммат бўлса ҳам бори яхши-да!

Заводнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ёрдамчи цехида яқин кунлар ичида яна бир янги маҳсулот — газ горелкалари ишлаб чиқарила бошлайди. Бундан ташқари завод қошида аҳолига хизмат кўрсатувчи 11-участка мавжуд. Бу ерда ишловчи усталар буюртма бўйича кўп қаватли уйларда яшовчи хонадонларга эшик, дала ҳовлилари учун темир тўсиқлар ясаб беради. Бу эса маблағ ишлаб топишнинг яна бир имконидир.

З. ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИЛ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ходимлари, даволаш муассасаларининг шифокорлари мустақил республикамизнинг ўзига хос айёмлари яна бир шодиёнага кўпайганлигини ҳис этдилар. Бу ерда Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг жорий этилганига уч йил тўлиши муносабати билан «Тил байрами» ўтказилди. Тантанада маъруза қилган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев кейинги йилларда шаҳар касалхоналари, поликлиникалари ва бошқа муассасаларда ҳужжатлар ўзбекчалаштирилганлиги, бир қатор шифохоноларда русча сўзлашувчилар учун ўзбек тилини ўрганиш синфлари очилганлиги, айниқса, «тез ёрдам» хизматида бу борада самарали ишлар қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

Айни пайтда ҳамон баъзи поликлиникалар, шифохоналар жамоалари Қонуннинг бажарилишига лоқайд муносабатда бўлаётганликлари ҳам сир эмас. Бу борадаги ишларда талабчанликни ошириш, Давлат тили ҳақидаги Қонунни оғишмай бажариш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Байрам қатнашчиларини Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева қутлаб, янги шеърларидан ўқиб берди. Тантана иштирокчиларига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика Ёшлар иттифоқи мукофотининг совриндори Олимжон Орифжонов, хонанда Абдусаид Азимов ва бошқа санъаткорлар ижросида концерт кўрсатилди. Тил байрами чинакам қувонч бахш этган катта тантанага айланди.

С. ҲАСАНОВ.

Суратларда: тил байрамидан лавҳалар.

А. КУДРЯШОВ олган суратлар.

Шарофат Рашидов

Қалбингиз қўйнида

— Тажрибада, — деб жавоб бергиси келди.

— Тафаккурда, — жавоб қилишим ижкилиши.

— Тажриба ва тафаккурнинг муштарақлигида, — дебди ўғилчаси.

Ва яна ўйга толиб нуроний дебди:

— Инсон тафаккури инсон билан бирга оламдан ўтади, инсон тафаккури инсон билан бирга завол топади. Зеро, ушбу бебаҳодир. Зиковатнинг ибтидоси - ҳалқ билиби, эл ҳотирасидадир. У бир океандирки, тоғ ирмоқлари ва бучоқларни бунёд этди, у бир океандирки, олим барчаси ўқишга инсон тоғ ўсимликлари ва чашмаларни бешуғча ўхшаш. Ҳотира - зиковат тимали, унинг негизидир. Тарихнинг баланд-баланд ўсмалари оқиш, адирлар оқиш, замонлар оқиш уни қитиқлашга ҳисса этади, нима учун оқиш бўлади?

Бу - қоя ва тепадаги ўсмалар.

Бу - тош тахтадаги ва китобдаги ёзиқлар.

Бу - эртаклар, ривоятлар, ўқувчилар.

Бу - назм ва насрлар.

Эл ҳотирасининг барча инсон қурроқлари ни тобора кенг очиб авлоддан авлодга ўтишига боғ пуфидир. Ҳалқ зиковатининг ёқиқини Маҳмудимизмен билан билга, нарсадан нарсага кўпишига сабаб шудир.

Дунёга бор, сатрига сатр қўшиб, қўшиқчига қўшиқ, қўшиқа қўй ўнаб, бу сизнинг бабо этдурмоқ инсон зотига фарздир!

-3-

I

Ўзидан ўзгага тутаги йўқсиз
Ёвий боғидаги ўзаро Гулчар боғи
Кўклам ибосига Асанчи.

Атрофдаги осмонўпар тоғлардан
Кумушдек тобланиб, сиғмобий кўпиклар
Сачраб ҳаёт ва ҳаёлар шарқираб тушади
Ва ажиб сой тубларида минг ҳаётдан
Ўсмлар ҳосил бўлиб ваҳаго эгизоларнинг, ўлмас
Зору ҳайсаларига, қиру адирларга равона
Бўлади, гиёҳларга ва ҳар ёғачларга ризқ
Улашади. Ўрта ҳудуд кўпгинч тонг
Шуҳчаларн ва шабнамлари, оби зилзилаларни
Эмиб ҳеч бирдан ажойб рангларини
Кўз-кўз қилаверар, бизнинг дунё
Дунё сабоқларини ҳосил этадилар. Бири
Биридан ҳатодатли, бири биридан ҳаёдатли
Бири биридан серҳосил, бири биридан серзуҳра
Бу ўлмас ўрмалаб кўпга ишва қилаверар
Кўпи ҳам ундаги нурини ҳисобдаги. Ҳазиранда
Сувлар ҳаёт ҳоҳанларида эса сиғиб парҳу
Бўлгунча Ўзларининг ўзаро кўпчиликларини
Ўнарлар, сабоқ қилаверар.

Сонсиз - саноқсиз кунлар, кунлар
Бирбирларга ёрдам ўриб, тенгдан тенгга ўтиб,
Ўлмасдан тўлиниб кун бўйи, тун бўйи ҳаёт
Бўлиб ёйраганлар. Нималар ҳақида? Бунга
Ҳеч замонда ҳеч бир ҳаёт сўз билан ифодаланган
Эмас, чексиз бу ёйраган кўпчиликда ўзаро
Ёлғиз ёлғиз ёнгинча, ўзларга ва муҳаббат

-4-

(Давоми. Бошн ўтган сонда).

• МЕРОС •

Профессор Ғози Олим қаламига мансуб бўлган «Адабиёт тўғрисида хато назариялар» деб аталувчи ўта тагдор, илмий жиҳатдан анча пухта, амалиёт томонидан мукаммал мақолалар 1924 йили «Маориф ва ўқитғувчи» ойномасининг 4-сонида чоп этилди. Филология фанлари номзоди, доцент Ҳайдарали Узоқов араб ёзувидан ҳозирги алифбога ўгириб, тайёрлаган ушбу мақола адабиёти назариясининг долзарб муаммоларини ўрганишда, айниқса, адабий танқидчилигимизда таҳлил санъатини эгаллаш бобида ҳозир ҳам аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Профессор ҒОЗИ ОЛИМ ЮНУСОВ

АДАБИЁТ ТЎҒРИСИДА ХАТО НАЗАРИЯЛАР

• ТАНҚИД •

А. Саъдийнинг «Амалий ва назарий адабиёт дарслари» деган асари бу кунлардагина қўлимизга тушди. Ўзбек адабиётининг қонунларига оид назарияларни ичиға олғон бу асарни суюнч ва буюк умид билан мутолаага киришдик. Чунки адабиёт дарсларида ўқитғувчи ва ўқиғувчиларға раҳбарлик этатурғон китобиға кўпдан муҳтож эдик. Бу эҳтиёж ғоятда катта бир эҳтиёж эди. Тилимизнинг сарфи ва наҳви қоидаларини белгилаш ёки забт қилиш қандоғ муҳим бўлса, адабиёт қонунларини тайин этиш ҳам шунча муҳим эди. Тилимизнинг сарфи ва наҳви қоидаларини белгилаш кўп қийин бўлоғнидек, адабиётимизнинг қонунларини белгилаш ҳам жуда қийиндир. Адабиётимизнинг қонунлари тўғрисида биринчи назарияларни ўртаға отмоқ учун бир тарафдан асрларча давом этган оғзаки ва ёзма адабиётимизнинг тузилиши ва ўсиши йўлларини билиш керак бўлса, иккинчи тарафдан асарларимиздан олимларнинг адабиёт қонунлари тўғрисидаги етиша олдиқлари бутун ҳақиқатлар ҳам ваъз этдиклари назариялари билан танишмоқ керак бўладир.

Мана бу ҳолни эътиборга олиб бўлса керак орамиздан ҳеч ким бу вақтгача адабиёт назарияси ёзишга жасорат қила олмади. Адабиётчиларимизнинг кўпининг ҳайратига қарши бу жасоратни А. Саъдий ўртоқ кўрсатиб «Амалий ва назарий адабиёт дарслари»ни майдонга чиқарди.

Юқорида айтганимиздек, бу асарни буюк умид ва диққат билан ўқишга киришсак ҳам натижада умидимиз бўшға чиқди. Ёзувчининг усулсизлиги, услуб ва тилдаги бузуқликлар, асардаги бир-бирига қарши (зид) бўлғон назариялар, ўринсиз такрорлар мени ҳайрон қолдирди ва хатолар тўғрисида ўз фикримни матбуот орқали баён этишга мажбур қилди.

«Адабиёт дарслари»даги бузуқликларни иккига айриш мумкин: 1) назариётдаги бузуқликлар; 2) тузулиш ва тилдаги бузуқликлар. Мен бу мақолада кўпроқ назариядаги хатоларға тўхталаман. Чунки бир асарнинг қиймати ундаги фикрларнинг моҳиятига қараб белгиланадир. Зотан, маъно ёғидан бузуқ бўлғон бир асарда ташқи тузиш ёғидан тузиклик исташдан не фойда бор?

А. Саъдийнинг энг катта хатолари ижод (творчество) масаласидаги назарияларидадир. Бу масалада Саъдий кўп тўхтаса ҳам қатъий бир фикрга кела олмайдир. Моддийунмарксчилар фикри билан руҳиюнлар фикри орасида саргардон бўладир. А. Саъдий асарининг муқаддимасида назарияларини марксчилар асосига бино қилғонлиғини даъво қила туриб китобининг 78-бетида «тўғриси, ҳар бир санъаткорона шеърий асарлар табиатига тақлиддан бошқа шоирнинг ўзлиги ҳам ётадир». «Шуни унутмаслик ҳам керакки, одам ташқари дунёни эмас, ўзининг ички дунёсин, яъни миясидаги дунёни кўрадир» дейдир. Саъдий бу сўзлар билан шоирнинг ўзлигига, яъни шахсиятига аҳамият берадир ва ижод ишида руҳий ҳолларнинг ташқари ҳолларға ғолиб бўлғонлиғини кўрсатмоқчи бўладир. Марксистлик даъвосида бўлғон А. Саъдий бу билан кифояланмасдан 9-бетида музиқа ва меъморчилик, санъати тўғрисида: «буларда бир-бириси билан шундоқ бўлаклар бирлаштириладирки, булар завхирот дунёсида йўқдир...».

«...Аммо қулоқ билан билинатурғон жасаматлар ҳам бордирки, булар овоз тўлқинларидир. Булар яна маълум бир равишда бир бутунга йиғилмоғи, тўпланмоғи мумкиндир. Композитор шулардан янги жаҳонда бўлмаган бир овоз ва оҳанг туғдирадир», — деб давом этадир. А. Саъдийнинг бу сўзлари унинг марксист эмас, балки том маъноси билан руҳиётчи (дуалист-идеалист) бўлғонлигини кўрсатадир. А. Саъдийнинг бу назарияси, албатта хато бир назариядир. Саъдийнинг иккинчи дунё деган дунёси мустақил бир дунё бўлмасдан, ташқи дунёнинг туйғу манбаига (мияга) тушган қўлагаси (инъикоси?)дир, ташқи дунё, яъни ташқи кўриниш бўлмаса, унинг қўлагаси ҳам бўлиши мумкин эмас, ташқи кўринишни кўрмаган санъаткор ва шоир ҳеч бир нарсани ижод ҳам қила олмас.

Агар русларнинг машҳур рассомларидан Айвазовский денгизни кўрмаган ва денгиздаги турли ҳол ва кўринишларни саналарга текширмаган бўлсайди, ул гўзал денгиз лавҳаларини ёза олмас эди. Агарда Лермонтов Кавказга бориб Кавказнинг туйғуларни эркалагувчи табиати манзараларини ва халқининг турмуши, фикрлари ва асотири билан танишмаган бўлсайди, «Демон — шайтон», «Азроил», яъни «Абрек» ва шунга ўхшаш Кавказга тегишли гўзал асарларини ижод қила оларми эди? Қазбек ва Эльбрус тоғларини ва ўйноқ «Тирик» наҳрини кўрмай туриб уларнинг маҳобатли ва гўзал кўринишларини Лермонтов ўз ички дунёсида топа олар эдими? Албатта, йўқ. Шоир ва санъаткор ўз кўзи билан кўрмаган тарихий ва ҳаётий нарсалар тўғрисида ҳам асарлар ёзадир. Фақат бу асарларни туғдириш учун шоир тарихий ривоятлардан, ҳоллардан иқтибос қилишга мажбурдир. Ҳамма хаёлий асарларни диққат билан текширсангиз табиий ва воқейи ҳолнинг муболағали бир шаклга киритилганини кўрасиз. Хаёл қуши оёғига ҳар вақт ҳақиқат ипи боғлиқдир. Ул бу ипни узиб фақат табиатга кета олмайди. Чунки хаёл ўзи модданинг асари[1] — балосидир. Модда йўқ жойда хаёл ҳам бўлмайдир.

Саъдий ўртоқ мусиқа ва меъморчилиқ санъатининг унсурлари «зуҳурот дунёсида йўқдир» дейдир. Унсурлари — саъдийча этсак —бўлаклари, зуҳурот дунёсида бўлмағон санъат қандоғ қилиб борлиқ билан туташадир ва шул зуҳуротнинг бир жузъи бўлғон инсон димоғида қандоқ тараккуб этиб, тўпланиб, тазоҳур этадур, яъни борликда пайдо бўладур ва қандоғ бошқалар томонидан онглашило оладир. Саъдий ўртоқ бу сўзлари билан санъаткорларни «йўқдан борлиқни яратғувчи» тангри даражасига чиқарадир. Бу ҳурофот ва мантиқсизлик — Санъдийнинг руҳиётчилик касалликка мубтало бўлишидан келиб чиққан бўлса керак. Бўлмаса фан асрида мундоқ сўзлар орқали мусиқада яна шул махраж ёзувлари ва сўзлар ҳам яна моддадан ишланган мусиқа қуроллари орқалиқ тазоҳур этадир. Уларни ишлатғувчи тўплаб тартибга солиб оҳангдор ҳолга қўйғувчи моддадан иборат бўлғон иккинчи қувватларимиз (ақлли, идрокли, муҳокама завқи ва ҳоказо... кучларимиз)дир. Моддадинг тараннумини бизга эриштирувчи ҳавонинг силкинишидир, яъни қабул қилувчи қулоқдаги сезгув аъзоларимиздир. Демакки, тараннум этгувчи товушлар туғдирувчи, ул товушларни тартибга солиб оҳангларини белгилагувчи, ундан завқ олувчи кучлардир, маъно ва фикр чиқарувчи нуқул моддий унсурлардир. «Музикант — композитор шулардан янги ва жаҳонда бўлмағон бу овоз ва оҳанг шакли туғдирадир», — дейиш хатодир.

Саъдий афанди! Дунёда бўлган шаклни ўйлаш ва туғдириш мумкин эмас. Пайғамбарлар жаннатни ҳам моддий шаклда тасвир қиладирлар. Хатто худони ҳам инсоний сифатлар билан сифатлантиришга мажбур бўлганлар. Моцарт ва Шопен каби доҳий композиторларнинг ижодий асарларини тинглаб қарангчи, табиатда жаҳонда бўлмағон овоз ва оҳанг шаклини топа олурсизми. Йўқ, топа олмайсиз. Тўғри, сиз эшитмаган овозлар, сиз англамағон оҳанглар ул доҳийларнинг асарларида кўп бўлур Аммо сизнинг эшитмаслигингиз ва англамағонлигингиздан бу овоз ва оҳангларнинг жаҳонда бўлмасликлари лозим келмайди-ку! Зотан доҳийларнинг фазилатлари мазийятлари, тафаккур, тааққул, идрок ва туйғу қувватларининг бошқа кишиларникидан кучлироқ, ўткирроқ ва ишланган — такомул этган бўлишида ва бошқалар кўра ва эшита, сеза ва била олмаған ҳолларини кўра, эшита ва била олғонликларида эмасми. Доҳийдаги даҳо кучи фаҳу табиий куч эмас, балки нуқул табиий кучдир ва ҳатто зуҳурот дунёсидан ташқариға чиқа олмасоқ ва борлиқда бўлғон, нарсадан бир асар ҳам туғдира олмағандир.

Китобингизнинг 89-бетида. Гюгодан олиб шу сўзларни ёзасиз: «Ҳеч бир шоирнинг ўз ичида ўзининг шеърларининг туб кайфияти захирий бўлғон ижтимоий шартларни очиб бермасга ҳоли йўқдир. Бу шеърлар қанчағина замон ва масофадан устун чиқиб кетган бўлиб кўринмасинлар, ҳар ҳолда дунёни нақ шул ҳудудларда инъикос этдирадирлар», яна 88-бетда «қисқаси санъаткор ва шоирлар доимо табиий муҳит таъсири остида иш қиладилар», дейсиз. Маркс ва Бухарин сўзлари билан ҳам китобингизнинг 85- ва 87-саҳифаларини безайсиз, ажабо бу сўзларнинг юқорида сўзлаган сўзларингизга, яъни ҳар одам ташқи дунёни эмас, ўз ички дунёсини кўрадир», деган сўзингизга ва жаҳонда бўлмағон шаклнинг туғилиши эътиқодиға қарши бўлғонлигини била олмадингизми? Зотан китобингизнинг ҳар бобигина эмас, ҳар бети шундай тазод қарши фикрлар билан тўлғон.

А. Саъдий китобининг 69-бетида рус олимларидан машҳур Потебнянинг «шеър ҳам фан каби ёлғиз ўйлашнинг — фикрлашнинг бир йўлидир — қайда ўйласалар, қайда сўйлашсалар шундай шеър бордир» сўзини ёзиб туриб, ўзи 76-бетида «қисқаси беш санъатнинг ҳар бир тури фикр ишидир, фикр иш қилишлари эса онгсиз бўлмайдир, онг эса сўз демакдир» ва 176-бетда «...тажрибасиз фикр бўлмағондек фикрсиз илҳом ҳам йўқдир» дея туриб 130- ва 131-саҳифада бу назарияларга қарши сўйлайдир: — «Юрак» шеърларида юзакичилик йўлидаги ижодларда белгили бир мақсад бўлиши эътибори билан туб ўйи туб фикр бўлмайдир. Бу ижоднинг мақсади фикр ўйи туғдириш эмас, балки олий бир руҳий оҳанг (?) туғдришдир», «бошқа шеърий ижодлардан кутилган «фикр», «маъно» ва «мақсад» юрак шеърларида кутилиши бекор гапдир...» «музиқада унинг турли тўлқинлар талқин этгувчи оҳангларидан қандай фикр ва маъно олғонин ҳеч ким очиқ белгилаб бера олмайдир. Унинг талқин этган фикр ва маъ-нолари одати маъноси билан «фикр ва маъно», деб айтилмайдир» дейдир.

А. Саъдий ўз ёзғонларини ўзи тушунмайтурғонга ўхшайдир. Агар тушунса эди мундоқ бир-бирига қарши сўзлар сўзламас эди.

А. Саъдийнинг ҳиссий (лирический) шеърларида (саъдийча этсак, юрак шеърларида) бир таъбирдирки, бу тўғрида ҳали сўзларимиз ва мусиқада фикр ва маъно бўлмайди деган назарияси хатодир. Бу шундоқ очиқ ҳақиқатдирки, буни исбот қилиб туриш ҳам керак эмас.

Шарқнинг буюк машҳур лирикларн бўлғон Ҳофизнинг, Жалолиддин Румийнинг, Фузулийнинг ва бошқаларнинг ҳиссий шеърларини ўқисангиз ва Ғарбнинг Шекспир (бу шоирни А. Саъдий 94-саҳифада немис шоири деб айтадир. Шекспир немис шоири эмас, англиз шоиридир). Байрон, Пушкин, Лермонтовларнинг ҳиссий асарларини ўқисангиз ва Моцарт, Шопен каби доҳийларнинг мусиқий ижодларини тингласангиз, уларни, яъни ул шеърий ва мусиқий асарларнинг фикр ва маъно билан тўлғонлиғини очиқ сезарсиз. Бу фикр ва маъно А. Саъдий этгандек «аллақандай» тушуниш мумкин бўлмағон бир фикр ва маъно эмас, инсон ақли учун очиқ тушунила турғон бир маънодир. Агар бу асарлар маъносиз ёки маъноси «аллақандай» тушуниб бўлмайтурғон бўлсалар эди, улар ўқилмаслар ёки тингланмаслар эди. Холбуки, энг суюниб ва завқланиб ўқулотурғон асарлар бу навъ ижоддирлар...

А. Саъдий тўрт сатрда англатиш мумкин бўлган масала тўғрисида бир неча саҳифа ёзув ёзиб маъносиз ва ўринсиз такрорлар, ваъз ва насиҳатлар билан машғул бўладир (Мисол учун, 82- ва 83-саҳифаларни ўқиб қаранг), аммо эл адабиётини А. Саъдийча этсак, омма адабиётидек *) муҳим бир масалага қисқа ва сатхи бир равишда тўхтаб ўтадир. Холбуки, бир халқнинг ёзма адабиётининг хусусиятларини билиб, ул адабиётнинг қонунларини белгилаш учун ул ёзма адабиётнинг томири бўлғон эл адабиётини, бутун хусусиятларини ва қонунларини билиш керак бўладир. А. Саъдийнинг ёзма адабиётимиз тўғрисида хато фикрлар баён қилиши эл адабиётимизни текширмаганлигидан ва унинг қонунларидан хабарсиз бўлғонидан келиб чиққан бўлса керак. А. Саъдий эл адабиёти тўғрисида беш саҳифа қоралағон бўлса ҳам ноқул ва қатъий бир нарса айта олмағон. Бу беш саҳифада энг муҳим масала, яъни эл адабиётининг турли масаласига 23 сатргина тахсис этган. Фақат бу сатрлар ҳам муғлақ[1] ва ноқис фикрлар билан тўлғон достон, эртак, масал, жумбоқ, топишмоқ, қўшиқ, ашула, лапарларнинг шакл, қофия, вазн ва услуб ёғидан бўлғон хусусиятлари, эл лирика ва эпосини драматик (фожиали) ва шу кунги ижодлари ва эл театри тўғрисида ҳеч нарса ёзолмағон десак бўладир. Умуман санъат масаласига, хусусан адабиётга яқин алоқаси бўлғон бу масалалар тўғрисида сатҳий бир равишда сўзлаб ўтиш албатта бир камчиликдир. 200 саҳифали бир китобни элакда турмайтурғон сўзлар билан тўлдириб, бундоқ муҳим мавзудан ҳатлаб ўтган адабиёт «назариячиси» ва «муаллими» Саъдий афандига нима деяйлик?!

Саъдий бизнинг шоирларимизни адабий мактаблар ва оқимларға бўлишда (94—127-саҳифаларда), ажратишда ҳам кўп янглишадир. Мутаассиф — мистик Суфи Оллоёрни «Оқартиш» мактабига киритиб, уни Беҳбудий ва Ғаспринский билан тенгалаштириш, уларни Тавалло каби «адибларни адабий мактабнинг бошға у тартиб қўйиш, Навоийни турли мактаблар орасида... қошма-қош, «жинжириомист» бир шоир, оддий бир текширгувчи, рамзчи шоир, бир мутафаккир дейиш, адабий мактаблар ва оқимларни ва ул оқимларға мансуб бўлғон шоирларни тушунмасликни кўрсатадир. Туркистон адабиёти Амир Темур сулоласида эътиборан тасаввуф остида қолди (саҳифа 105), деган А. Саъдийга тарих ўқишни тавсия қиламиз, агар А. Саъдий тарих саҳифаларига қараса, Туркистон адабиётида тасаввуф таъсири Амир Темур асридан кўп замонлар илгари бошланганлиги ва кучайғонлиғини кўрар.

А. Саъдийнинг бу асарида қизиқ ва кулинч таъбирлар ва истелоҳлар жуда кўп «табиат на моли», «ийч кўнгил», «қулоқ онглайдур» таъбирлари бунга мисолдир. А. Саъдий-афанди! «Ийч кўнгил» дейсиз, «ташқи кўнгил» ҳам бўладими; «кўнгил» сўзининг ифода қилғон маъносини англайсизми? Сиздек адабиёт муаллимига «қулоқ онглайдур» демаклик ёрашадими?!

А. Саъдийнинг фикрий янглишлари ва қарашликлари шундоқ кўпки, бу янгиликларни китобнинг ҳар саҳифасида учратиш мумкин, буларнинг ҳаммасини кўрсатиб ўтмоқчи бўлса «Адабиёт дарслари»дек бир катта китоб бўладир. Шунинг учун бул тўғрида сўзни қисқартиб — натижада шуни айтаман.

1. «Адабиёт дарслари» хато назариялар фикри билан тўлғонлиғидан илмий бир асар бўла олмайдир.

2. Тили, истилоҳи, услуби бузуқ.

3. Марксизм асосида ёзилди деб даъво қилинғон бу асарда моддиюнчилиқ жавҳарлари руҳиюнчилиқ ахлоти остида кўмилиб қолғон.

4. Бу асар усулсиз, таълим-тарбия асосларига мухолиф, фикри хатолар билан тўлғон бир асар бўлғонлиги учун ўқитғувчи ва ўқувчиларимизга раҳбар бўла олмайдир.

*** А. Саъдийнинг бу таъбири хатодир. Омма адабиётн деб кўпчилик (масса) учун ёзилган адабиётга айтиладир. Эл (халқ) адабиётн маъносини ифода қила олмайдир.**

1 Чалкаш.

1). таъсири — Ҳ. У.

*

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Ёзёвон районидаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Қоратепа қишлоғи— аҳоли зич жойлашган даргоҳ. Жамоа хўжалиги ташаббуси билан бу ерда кичик корхона очилиши меҳнатга яроқли 150 дан ортиқ кишини ишга жойлаштириш имконини берди. Улар гилам ва атлас тўқишмоқда, консерва тайёрлашни ўзлаштириб олишди.

СУРАТДА: илгор гиламдўз Муқаррам Тўхтасинова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

*

ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

● Қизилтепа районидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги режадан ташқари етиштирилган 650 тонна бўғдой, 45 тонна қовун-тарвуз, 15 тонна ошқовоқ, 10 тонна узумни қиш дастурхона учун хўжалик омборига ғамлаб қўйди.

Бу маҳсулотлар қиш ойларида аҳолига арзон нархда сотилади. Ночор оилаларга эса бепул берилади.

ЎЗИНГНИКИГА НЕ ЕТСИН

● Наваҳор районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида ҳом гишт ишлаб чиқариш заводи ишга тушган эди. У қайта таъмирланиб ,пишиқ гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Натижада қисқа вақт мобайнида 1,5 миллион дона сифатли пишиқ гишт тайёрланди.

М. ШАРОПОВ.

ДЕНОВ ҚЎРҒОНИ АСЛИ ҲОЛИГА ҚАЙТАДИ

● Қадимий ёдгорлик — Денов қўрғони 40 йилдан бери мол бозори вазифасини ўтаб келар эди .Оқибатда у емирилди, кўп жойи қулаб тушди.

Нетиқлол туфайли миллий қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамоатчилик талабига кўра мол бозори бошқа жойга кўчирилди. Энди шу пайтгача оёқ ости бўлган обида — Денов қўрғони ўз аслига қайтса ажаб эмас. Олимлар унинг тагидан эрамиздан аввал ясалган сопол буюмлар топишган,

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛ ТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● ЙАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● «ЖУДОЛИК АЛАМИ». ГАЛАТ АКА БИЛАН ҲАДИЧА АЯ УГЛИ УБАЙДУЛЛАНИ ЎН УЧ ЙИЛДАН БЕРИ ЗОР-ЗОР ЙИГЛАБ КУТМОҚДА

«ЧИЛЛАБУЛОҚ» ШИФОБАХШ СУВИ

● Бундан бир йил илгари Янгиабод районидаги «Ҳисор» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Чиллабулоқ қишлоғидан топилган минерал сувдан гидрогеологлар ҳар хил касалликларни даволашда фойдаланса бўлади, деган тахмин ни айтган эдилар.

Район соғлиқни сақлаш бўлими бу сувни Тошкентдаги республика соғломлантириш ва курортология институти лабораториясида текширтирди. У хусусияти жиҳатидан бор-жоми минерал сувидан қолиш майди, деган хулосага келинди.

Район матлубот жамияти ҳузурида сувни шишага қуядиган цех ишламоқда.

«Узбекистон овози» муҳбири.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ, ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ғиёс БОЙТОЕВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Охунжон МАДАЛИЕВ, Маҳмуджон АЗИМОВ, Авазбек МАҲМУДОВ, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Муҳриддин ХОЛИҚОВ, Мирза ХОЛМЕДОВ, Ботир МУҲАММАХЎЖАЕВ, Обид, Собит АСОМОВлар, таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилиши кўзда тутилмоқда.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концерга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз. Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Телефонлар: 33-65-45, 33-20-36, 32-54-35.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 26. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Сенсан севарим». Дилрабо концерт.
8.05 «Фидойилик». Бадиий фильм.
10.00 «Табиатни асранг». Кинопрограмма.
10.30 Уқув кўрсатуви. Физика. Қаттиқ жисмларнинг хоссалари.
11.00 «Сув кетар — тош қолар». Телефильм.
11.30 Уқув кўрсатуви. Жуғрофия. Урта Осиё иқлимининг асосий хусусиятлари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инжиқ малика», «Қинғир ишнинг қийиғи». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой устахонаси».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шоличилик истиқболи».
19.45 «Мусиқий учрашувлар». Бастакор Анор Назаровнинг ижодий кечаси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Футбол майдонларида».
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Номлар — маънавият белгиси».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Миришкорлар».
21.25 «Ўзингни эр билсанг».
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.20 «Қора ўқ». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5,55, 11.55 18.20 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳибсхона». Бадиий фильм.
10.30 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 3-қисм —Ю. Левитанский.
11.30 «Рус қўшиғи». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Мистер Бильбо Беггинс-Хоббитнинг афсонавий саёҳати».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «НЭП».
18.55 «Иқболи кулганда».
19.35 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. АСК (Ростов-Дон) — «Самотлор».
20.05 «Китобхона».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш иккир-чиқирлари». Бадиий телефильм премьераси. 5-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Вазият».
23.05 «Евгеник ва...».
23.10 «Биз».
23.15 «Бим-бом».
00.35 «Мегамикс». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 Футбол шарҳи.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мутлақо маҳфий.
9.45 Ишчан давра.
10.05 «Сиз яратган боғ».
10.35 «Бола тилидан...».
11.05 Мульти-пульти. «Бимини».
11.25 «Ҳалфана».
11.55 Кундузги сеанс. «Майда ҳарфлар билан икки сатр». Бадиий фильм.
13.30 Телевизион ахборот ти жорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Бурда моден» таклиф этади...
16.10 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак!». Австрия телефильми муҳокамаси.
16.25 Трансросэфир.
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Катта давра».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Душанба куни детектив. «Қирққулоқ сояси». Бадиий фильм.
20.25 «Эҳтирослар, эҳтирослар...».
20.45 «Ёзнинг 96 соати». Вильнюс-92» эстрада қўшиқлари халқаро фестивалидан репортаж.
21.25 Криминал хабарлар экрани.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 «Эртанги кун бугундан бошланади».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Эҳ, қўшниси тушмагурлар!».
22.45 «Турникет» мусобақалари.
23.30 Аёллар салони.

Сешанба, 27. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
8.40 «Бухороча эртак». Фильм-концерт.
9.15 Турк тили.
9.45 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм.
11.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
11.45 Камер оркестрининг концерти.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Типратикан, лайча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.25 «Фан ва деҳқончилик».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
19.50 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Кинокўзгуда ҳаёт».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Ҳайвонот оламида».
10.55 Мультфильм.
11.00 Футбол шарҳи.
11.30 «Турмуш иккир-чиқирлари». Бадиий телефильм. 5-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.25 «Премьера». Бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16-15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Технодром». Оригинал ғоялар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Чол қандай қилиб сигирини сотди!». Мультфильм.
18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра».
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21-00 Янгиликлар.
21.25 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).
22.45 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «МГТУ».
23.30 «Ҳарбий ревю».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Телеёдномалар».
01.10 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
01.45 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.45 Ишдан бўш пайтингизда.
10.00 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
10.30 «Оқ қарға».
11.15 «Ёзнинг 96 соати».
11.45 «Эҳтирослар, эҳтирослар...».
12.00 Кундузги сеанс. «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм.
13.25 Мульти-пульти.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.45 Телебиржа.
16.15 Мульти-пульти. «А+Б».
16.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Янгиликлар.
17.00 Трансросэфир. «Овропа — Осиё».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш оила».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Қўшиқлар китоби».
21.05 «Хазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 «Фортуна» телеканали. «Юлдузлар намойиши». 2-кўрсатув.

Чоршанба, 28. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
8.40 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
9.55 Болалар учун. «Ёрилтош».
10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника. Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг биологик аҳамияти.
11.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғаройиб манеж». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл тинчлиги йўлида».
19.55 «Мен сизни суюбман». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида.
21.30 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 «Экран таништиради...».
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Ишбилармонлар».
20.25 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
21.15 «Суперспорт».
22.10 «02» тўлқинида.
22.30 «Эсдалик учун дастхат».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 00.55— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «Кировлик моҳир қўллар». Телефильм.
11.30 «Зиёратчилар». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 «Анна Линса». Телевизион бадиий фильм (Финляндия телевидениеси).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Орзу-умид». Етим болалар учун хайрия концерти.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Кировлик моҳир қўллар». Телефильм.
18.35 «Туркия телевидениесининг оқшоми».
19.10 Г. Свиридов. «Кичик триптих».
19.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.05 «Веди».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Туркия телевидениесининг оқшоми. «Бетартиб ётоқ». Бадиий фильм премьераси.
22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва вилояти) — «Самотлор».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Люксембург терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
00.20 Янгиликлар.
01.00 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.
01.35 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ишчан давра.
9.50 «Тилла шпора».
10.20 Мульти-пульти. «Қандай қилиб типратикан ва айиқча осмонни алмаштиришди!».
10.30 «Фортуна» телеканали. «Юлдузлар намойиши».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 91-серия.
12.50 «Ер ва сувнинг монандлиги».
13.05 «Мегаполис».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.30 «Терминал». Компьютер графикаси бўйича халқаро конференциядан репортаж.
16.00 Янгиликлар.
16.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.00 «Ўхшаш дунёлар».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Концерт.
20 40 Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.50 Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Оппозиция».
21.45 Бугун Россия Федерациясининг Олий Кенгашида.
22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Конституцион суди залидан.
22.55 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Охирзамон ҳақида янги маълумотлар». Ҳужжатли фильм.

Пайшанба, 29. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
8.40 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
9.05 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
10.15 Араб тили.
10.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мактаб саҳнаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир томчи», «Тонгги қўшиқ». Мультфильмлар.
18.30 «Галла — ризқ-рўзимиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ғилон». Телефильм.
19.30 «Анъаналар этади давом...».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Дўстлик ришталари». Туркия Республикасининг Мустақиллиги кунига бағишланади.
21.30 Санъат усталари ижросида концерт.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Темирйўлчи» (Қўқон). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан кўрсатилади (ёзиб олинган).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Билим сарчашмалари».
19.30 «Иқтисодчилар мактаби».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Футбол, Халқаро учрашув. Беларусь — Украина терма командалари. 2-тайм. Минскдан кўрсатилади.
11.40 «Машҳур ўрдакча Тим». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.40 «Кабаре». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Россия овози» телерадиотанловининг дипломанти Т. Матвеева куйлайди.
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Вагон-03».
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Катта сайр».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.35 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «Аграрник».
22.20 «Номенклатура». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
23.40 «Эфирда мусиқа». 1-қисм.
00.10 Янгиликлар.
00.45 «Эфирда мусиқа». 2-қисм.
02.15 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Охирзамон ҳақида янги маълумотлар». Ҳужжатли фильм.
10.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, суврата олаяпман».
10.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.50 «Карвон».
11.20 «Ҳали англанмаган коинот».
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 92-серия.
12.40 «Пилигрим».
13.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.50 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 «Бозорни ўрганайлик».
15.45 «Рост» студияси. «Гуффи-Геймз». 1-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 Трансросэфир. «Урал-ТВ».
17.15 «Шундай яшаяпмиз».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ёшлар.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Мусиқали дастур.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 Спорт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 «Осойишталик № 9».
23.55 Эълонлар.
24.00 Спорт кўрсатуви.
00.05 Соло. «Янги иллюзион».
00.10 «XX аср кадрда ва кадр ортида». «Вивьен Ли—давр ледиси».

Жума, 30. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Саодат». Фильм-концерт.
8.10 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.30 Уқув кўрсатуви. Зоология. Балиқларнинг турли-туманлиги, аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Ишонч мустаҳкам бўлса».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Мумтоз куйлардан концерт.
20.05 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида.
21.30 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 «Экран таништиради...».
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Кот Котофеевич». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Ата-журт» (давоми).
21.50 «Янги шароитларда меҳнатга ҳақ тўлаш».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.35 «Иштирок этувчилар». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
13.40 «Оқшом пайтларида». Бадиий фильм (Болгария).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.40 «Мақтанчоқ чумчуқча». Мультфильм.
17.50 «Технодром». Оригинал ғоялар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Россия юлдузлари». Киноальманах.
18-45 «Вагон-03».
19.15 «Инсон ва қонун».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «Шахсий қурол». Телевизион бадиий фильм.
22.50 Катталар учун мультфильм.
«ВИД» таништиради:
23.05 «Сиёсий бюро».
23.35 «Музобоз».
00.35 «Авто-шоу».
01.10 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.10 «Ун икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
10.00 «Жентльмен-шоу».
10.30 Ватаним менинг. «Петербург бурчаклари».
11.25 «Қалб сайли». Ёзувчи Георгий Семёнов.
11.55 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 93-серия.
12.45 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
13.10 Мульти-пульти. «Кутилмаган учрашув».
13.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.45 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 Телебиржа.
15.45 «Рост» студияси. «Гуффи-Геймз». 2-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 «Минора».
16.45 Жума кунлари Уолт Дисней. «Мистер Бугеди». Бадиий фильм.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «К-2» таништиради. «Динара». Бадиий фильм («Кинограф», «Медиа»).

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.55 «Хонанда».
21.45 «Чолиқуш».
22.00 Хабарлар.
22.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.45 «К-2» таништиради.

Шанба, 31. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Кенжатойдан қўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
9.10 «Биргаликда куйлаймиз».
9.40 «Шохруҳ клуби».
10.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.05 «Олам кўрки сиз билан». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Алифбо сабоқлари».
12.15 «Мушоира». Адабий кўрсатув.
12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орзулари ойдинлар».
13.30 Хайриддин Султонов. «Чанғак». Видеофильм.
14.35 Тижорат канали. «Тола ва сифат». Навойи пахта тозалаш заводи иш тажрибасидан.
15.05 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева.

* * *

18.00 «Краканош ва мактаб». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Танбур». Телефильм.
19.40 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Андижон вилояти.
22.30 «Темир хотин». Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга». «Бамси». Мультфильм премьераси.
9.25 «Эльдорадо».
9.55 «Сеҳрли кўзойнак». Мультфильм.
10.05 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан». А. Фатюшин.
10.20 «Инсон институти».
10.50 «Технодром».
11.20 Экологик хроника.
11.35 «Дело».
11.45 Ёдда қолган фильмлар. «Адрессиз қиз». Бадиий фильм.
13.20 «Мусиқий дўкон».
14.00 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Франция). 2-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.25 АҚШ президентлигига номзодларнинг телемузокаралари.
16-05 «Зазеркалье». «Арабелла — қарокчи қизи». Бадиий фильм.
17.35 «Қизил квадрат».
18.15 «Бу менинг оламим». (Халқ артисти Яншин туғилган куннинг 90 йиллигига).
19.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Халқ душмани— «Бухарин». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Кавн-92». Мавсум иккинчи ярим финалининг ўйини.
23.20 «Қувноқ теплоход». Нижний Новгороддан кўрсатилади.
23.35 «Европа плюс». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Вариацияли мавзу. «Петрополитан мусиқаси».
8.50 «Қўлбола иш». Ошқозон ярасини даволашнинг янги усули ҳақида.
9.15 «Мансаб алифбоси». Ишбилармон кишилар танловига илова.
9.30 «Агар сиз...».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 8-серия.
11.30 «Иванинг қайиғи». Бадиий фильм.

*

13.10—17.20 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Безнен мирас» (татар тилида).
«Дидар» (қорақалпоқ тилида).
«Дўстлик тароналари».
«Ой туран» (қирғиз тилида).

*

17.20 «Бола тилидан...».
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Туркия манзаралари.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Тоғ сўқмоқларида» Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 «Кеча». Бадиий фильм (Польша).
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Сафсаталар». Оиладаги бугунги муаммолар ҳақида.
22.55 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.10 «Ассорти». Мусиқий дам олиш томошалари.
23.40 «А» программаси.
00.10 «Ад либитум».
00.40 Тунги сеанс. «Нодир шахс». Бадиий фильм.

Якшанба, 1. XI

● ЎзТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов куйлайди.
7.50 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Олтин тоғнинг сирри». Бадиий фильм.
9.45 «Муҳаббат наволари». Мусиқий кўрсатув.
10.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
11.25 «Сайёрамиз омон бўлсин».
12.05 Тижорат канали. «Саноатимиз одимлари».
12.25 Абдулла Орипов. «Ранжком». Телеспектакль.

* * *

15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор»—«Косонсойчи» (Косонсой). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
17.20 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильмлар.
18.00 «Бўстонлиқнинг олтин кузи». Манзарали фильм.
18.20 «Санъат гунчалари». Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мактаб интернати ўқувчиларининг чиқиши.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 XI Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар», «Бобок сенин жомогун», «Дидаршоу», «Оқ кема». Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Қувноқ домино». Киноконцерт.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 Б. Жакиев. «Кулгондун билгежи бар». Уш қирғиз драма театрининг спектакли.
20.50 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.15, 15.15, 18.40, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.20 «Руҳни чиниқтириш».
7.20 «Спортлото» тиражи.
7.35 «Адиген» турк ансамблининг чиқиши.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.00 «Ялла» чойхонага таклиф этади».
10.30 «Кичкинтой ва қора нақоб». Мультфильм.
11.00 «Ўтмиш».
11.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Кўп серияли телефильм премьераси. 16-серия.
12.05 «Янги авлод танлайди...».
12.55 «Рақснинг гўзал лаҳзалари». Б. Қориева.
13.50 «Соло».
14.20 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
14.30 «Волохонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 3-фильм.
15.